

ҲАЗМ ТРАКТИ ТУФМА ВА ОРТТИРИЛГАН ПАТОЛОГИЯЛАРИ АНИҚЛАНГАН ГҮДАКЛАРДА ИЧАК СТОМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТУРЛАРИ

Юлдашев М.А., Бозоров Ш.Т., Тошибоев Ш.О.,

Андижон давлат тиббиёт институти.

✓ Резюме

Мазкур мақолада чақалоқлар ва эрта ёшли болаларда турли хил ичак стомалари шакллантиришинг тактик қарорлари ва техник вариантиларининг ретроспектив таҳлил натижалари келтирилган. Клиник ҳолатга қараб ошқозон-ичак тракти туфма нуқсонлари ва касалликлари бўлган беморларни операциядан кейинги даволаниш натижалари баҳоланди.

Таянч сўзлар: ичак стомалари, тутилиши, анеректал туфма нуқсонлар, чақалоқлар, эрта ёшли болалар

ВАРИАНТЫ ФОРМИРОВАНИЯ КИШЕЧНЫХ СТОМ ПРИ ВРОЖДЕННЫХ И ПРИОБРЕТЕННЫХ ПАТОЛОГИЯХ ПИЩЕВАРИТЕЛЬНОГО ТРАКТА У МЛАДЕНЦЕВ

Юлдашев М.А., Бозоров Ш.Т., Тошибоев Ш.О.,

Андижанский государственный медицинский институт.

✓ Резюме

В статье приведены данные ретроспективного анализа тактических решений и технических вариантов формирования различных видов кишечных стом у новорожденных и младенцев. Оценены послеоперационные результаты лечения больных с пороками развития и заболеваниями желудочно-кишечного тракта в зависимости от клинической ситуации.

Ключевые слова: кишечные стомы, анеректальные пороки развития, новорожденные, дети раннего возраста.

VARIANTS OF INTESTINAL STOMAS FORMATION IN CONNECTED AND ACQUIRED DIGESTIVE TRACT DISEASES IN INFANTS

Yuldashev M.A., Bozorov Sh.T., Toshboev Sh.O.,

Andizhan State Medical Institute.

✓ Resume

The article presents data from a retrospective analysis of tactical decisions and technical options for the formation of various types of intestinal stomas in newborns and infants. The postoperative results of treatment of patients with malformations and diseases of the gastrointestinal tract were evaluated, depending on the clinical situation.

Key words: intestinal stomas, anorectal malformations, newborns, young children.

Долзарблиги

Болалар колопроктологиясида тўғри ичак ва оралиқ соҳасида ўтказиладиган реконструктив ташрихларнинг дастлабки босқичида ичак стомаларини ўрнатиши зарурати туғилади [4, 9]. Стома ўрнатишнинг асосий мақсадлари бўлиб ингичка ичак дистал қисмини ҳазм жараёнидан ажратиш ва ташрих соҳасини яхши битишини таъминлаш учун нажас массалари билан ушбу соҳасини ифлослантирмаслик ҳисобланади. Бу каби стомалар режали (анус ва тўғри ичак атрезияларида) ёки шошилинч (тўғри ичакнинг оқмасиз шаклларида, сийдик ажратиш тизимига оқма ҳосил қилган юқори атрезияларда, шунингдек, оралиқ соҳаси жароҳатларида) равища ўрнатилиши мумкин [1, 2].

Тўғри шакллантирилган стомалар ўз функциясини бажариш билан бирга бемор ҳолатини яхшиланишига хизмат қилиши керак. Бироқ, бир қарашда оддий бўлиб кўринган мазкур ташрих, яъни ичак стомасини ўрнатиш, турли техник хатоликлар билан бажарилиши мумкин. Бу эса ўз навбатида кенг спектрдаги асоратлар билан, баъзан эса ҳаёт учун хавф соловчи асоратлар билан бирга кечиши мумкин [10, 12].

Ҳозирги даврга келиб ҳам адабиётларда чақалоқларнинг бирламчи патологияси, заарланиш даражаси ва қўйилган ичак стомасидан келиб чиқсан ҳолатда ичак стомасини шакллантиришинг техник ва тактик вариантилари хусусида маълум бир тўхтамга келинмаган [2,5,11]. Ҳали-ҳануз ичаклар бутунлиги тиклангандан кейин юзага келувчи энтерал зўриқиши ҳақидаги мунозаралар давом этмоқда [14]. Шундай қилиб, кўрсатмаларни оптималлаштириш, чақалоқлар ва эрта ёшли болаларга энтеро- ва колостомалар ўрнатишнинг тактик ва техник усусларини шакллантириш ҳамда уларнинг реконструкция муддатини аниқлаш неонатал хирургиянинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади. Чакалоқлар ҳамда кўкрак ёшида бўлган болалар ҳазм тизими туфма ва ортирилган патологияларида турли шаклдаги ичак стомалари вариантиларини шакллантириш ва бунга кўрсатмаларни аниқлаш.

Материал ва усуслар

2014 - 2019 йилларда Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва РШТЁИМ Андижон



филиали реанимация ва хирургия бўлимларида даволанган чақалоқлар ва эрта ёшли 119 нафар болалар касаллик тарихларининг ретроспектив таҳлили ўтказилди. Тадқиқот гуруҳларига 1 суткадан 6 ойгача бўлган чақалоқлар ёки ҳазм тизими орттирилган патологиялари аниқланган болалар танлаб олинди. Тадқиқотга киритилиш мезонлари бўлиб энтеро- ва колостомия ҳисобланди.

Барча беморларнинг 89 (75%) нафарини чала туғилган чақалоқлар ташкил қилди. Болаларнинг қабул қилинган пайтдаги ўртача тана вазни 2024 ± 565 гр ни, тугрӯқ муддати 32 ± 4.3 ҳафтани, улардан 72 (60,5%) на-

фари ўғил болаларни, 47 (39,5%) таси эса қиз болаларни ташкил этди. Туғилгандан кейинги биринчи кунда 34 (28,5%) та бола ҳазм трактининг түфма нуқсонлари туфайли касалхонага келтирилган. Туғилгандан кейинги 1-ҳафтада 70 (58,8%), 2- ҳафтада 19 (15,9%), 3-ҳафтада 12 (10%), 4- ҳафтада - 1 (0,8%) нафар чақалоқлар шифохонага ўтказилган. 1 ойлигидаги 6 (5%) бемор, 2 ойликда 3 (2,5%), 3 ойлик ва ундан катта ёшда - 8 (6,7%) та bemor касалхонага ётқизилган. Ҳазм тракти түфма ва орттирилган патологияларининг учраш даражаси жадвалда келтирилган.

Тадқиқот гуруҳидаги bemor болаларда ҳазм тракти түфма ва орттирилган патологияларининг учраш даражаси


№	Ҳазм тракти түфма нуқсонлари	abs	%
1	Аноректал түфма нуқсонлар	40	33,6
2	Ингичка ичак атрезияси	16	13,4
3	Гиршпрунг касаллиги ва йўғон ичак дисгангиози	8	6,7
4	Ингичка ичакнинг буралиб қолиши	5	4,2
5	Меконийли илеус	4	3,4
6	Омфалоцеле	2	1,7
7	Ичакнинг мушак қавати аплазияси	1	0,8
	Жами	76	63,8
	Ҳазм тракти орттирилган касалликлари		
1	Некрозловчи энтероколит	34	28,6
2	Анастомоз соҳаси стенози	2	1,7
3	Дастлабки ташрихдан кейин анастомоз нотурғуности	4	3,36
4	Чатишмали ичак тутилиши	3	2,5
	Жами	43	36,2
	Хаммаси	119	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдик, түфма нуқсонлар жами 76 (63,9%) нафар bemorларда аниқланди, улардан аноректал нуқсонлар - 40 (33,6%) та, ингичка ичак атрезияси - 16 (13,4%) та, Гиршпрунг касаллиги ва йўғон ичак дисгангиози - 8 (6,7%) та, ингичка ичакнинг буралиши - 5 (4,2%) та, меконийли илеус - 4 (3,4%) та, омфалоцеле - 2 (1,7%) та, ичакнинг мушак қавати аплазияси - 1 (0,8%) нафарни ташкил қилди. Ичак найининг ортирилган касалликлари жами 43 (36,1%) та bemorларда кузатилган бўлиб, улардан некротик энтероколит - 34 (28,6%)

та, анастомоз зонаси стенози, ўрнатилган анастомознинг барқарор эмаслиги - 6 (5,1%) та, чатишмали ичак тутилиши - 3 (2,5%) нафар bemordan аниқланди.

Bemorларнинг 90 (24,4%) тасида stomalar лапаротомик жароҳатнинг латерал томондан амалга оширилди, 29 нафарида қорин олд деворидан алоҳида кесма орқали амалга оширилди.

Клиник вазиятга боғлиқ равища қуйидаги турдаги энтеростомалар ўрнатилган: илеостома - 55 (46,2%) та, еюностома - 5 (4,2%) (1-расм).



1-расм. Энтеростомия турлари бўйича bemorлар тақсимоти (%).


1-расм маълумотларидан кўриниб турганидек тадқиқот гуруҳидаги bemorларнинг кўп қисмидаги илеостома шакллантирилган, шу жумладан 28 (23,5%) та

bemordan Микулич бўйича илеостомия, 15 (12,6%) тасида алоҳида илеостомия ва 2 (1,7%) нафар bemordan терминал илеостомия ўрнатилган. Bishop-Koop бўйича

Т-симон анастомоз ёнбош ичак патологияси билан бўлган 5 (4,2%) та ва оч ичак аномалияси аниқланган 1 (0,8%) нафар беморда қўлланилган. Терминал илеостомия узоқ муддатли перитонит фонида бир нечта ичак резекциясини ўтказган беморларда амалга оширилган. 4 (3,4%) та ҳолатда алоҳида еюностомия ўтка-

зилган, улардан 3 (2,5%) та беморда оч ичакнинг тешвилиши ва давомли перитонит сабабли, 1 (0,8%) та беморда мезентериал томирлар тромбози фонидаги оч ичак ишемияси ва некрози сабабли ўрнатилди.

Йўғон ичак stomalari бўйича аноректал нуқсонларнинг хиссаси кўпроқ эканлиги аниқланди (2-расм).



2-расм. Колостомия турлари бўйича беморлар тақсимоти (%).

Беморларнинг кўп қисмида, яъни 45 (37,8%) тасида сигмостомия ўтказилган бўлса, 7 (5,9%) тасида трансверзостомия, 4 (3,4%) тасида десцендостомия ва 3 (2,5%) нафар беморда цекостомия шакллантирилган.

Кўп ҳолларда алоҳида сигмостомия - 38 (31,9%) аноректал тугма нуқсонларнинг оралиқ ва юқори шаклларида амалга оширилган. Терминал сигмостомия 4 (3,4%) та ҳолатда аноректал нуқсон юқори шаклларида ўтказилган бўлса 3 (2,5%) та ҳолатда ҳалқали сигмостомия бажарилган. Алоҳида трансверзостомия кўндаланг чамбар ичак атрезияси ва Гиршпрунг касаллиги аниқланган 7 (5,9%) та беморларда шакллантирилган. 2 (1,7%) та тўғри ичак юқори атрезияси ва 2 (1,7%) нафар некротик энтероколитли беморлarda десцендостома ўрнатилган. Цекостомия 4 (3,4%) нафар беморда қўлланилган бўлиб, улардан 2 (1,7%) тасида бир вақтнинг ўзида илеостомия ва сигмостомия ҳам бажарилган.

Тадқиқот гуруҳидаги 119 беморда пневмония, марказий асад тизими перинатал шикастланиши ва гипоксик заарланиши, анемия, кўплаб тугма нуқсонлар, Даун касаллиги ва б. лар қайд қилинган.

Натижга ва таҳлиллар

Ичак stomasini ўрнатиш асосан анус ва тўғри ичак атрезияси (нуқсонни бартараф этишининг дастлабки босқичи сифатида) ҳамда некрозловчи энтероколит аниқланган болаларда амалга оширилди. Шунингдек, турли даражадаги ичак атрезиялари, Гиршпрунг касаллиги, йўғон ичак дисгангилизлари ва операциядан кейинги баъзи ортирилган ҳолатлар (чатишмали ичак тутилиши, анастомоз соҳаси стенози, анастомоз нотурғунлиги) ичак stomasini шакллантиришга кўрсатма бўлиб хисобланди. Операцион кириши ўйли сифатида кўндаланг супраумбиликал лапаратория ўйли танланган, чунки ушбу усул қорин бўшлигининг барча қисмларини тафтиш қилиш имконини бера олади. Чакалоқларда энтеростома қўйишга кўрсатма бўлган ҳолатларда ичак сегментлари лапаратор жароҳатнинг латерал қисмiga чиқарилган. Бир

қанча ичак stomalariни қўйиш керак бўлган ҳолатларда, ушбу амалиёт қорин олдинги деворида алоҳида кесмалар орқали амалга оширилган. Ичак stomasini ҳосил қилишда унинг шиллиқ ва шиллиқ ости қаватлари эверсия қилинга ҳамда ретракцияни олдини олиш мақсадида ичак сероз-мушак қавати қорин олд девори тўқималарига махкамланган.

Ингичка ичак stomalari ичиди Микулич бўйича амалга оширилган илеостомия хиссаси кўп учради. Аммо асоратланган ичак касалликлари ва перитонитларда терминал стома қўйиш амалиёти ўтказилган. Озиқ моддаларни ҳамда микроелементларни йўқотиш ҳавфи юқори бўлганилиги сабабли кам ҳолларда еюностома қўйиш амалиёти бажарилган. Стомани ёпиш амалиёти боланинг ҳолати стабиллашгандан сўнг максимал қисқа муддатларда амалга оширилган. Некротик энтероколит ҳолатларида ичак stomasini қўйишда ичакнинг зарарланган қисмининг ҳажми ҳисобга олинган. Бундай ҳолатларда илеостома қўйиш орқали ичакнинг соглом қисми сақланиб қолиниб, катта ҳажмдаги резекцион аралашувнинг олди олинган. Оч ичак атрезиялари, меконийли илеус ва радикал операция амалга ошириб бўлмайдиган ҳолатларда энг самарали усул сифатида Bishop-Kooper бўйича Т-симон анастомоз ўрнатилган [11]. Ушбу амалиёт орқали олиб келувчи ичак сегментларининг дескомпрессияси ҳамда олиб кетувчи ичак қисмларининг адаптациясига эришилади. Меконийли ичак тутилишида Т-симон анастомознинг қўлланилиши орқали меконий массаларини эритиш ҳамда ферментлар инстиляцияси имкони яратилади. Ингичка ичакнинг бурилиши мезентериал қон айланишининг ўткир бузилишларига олиб келиши оқибатида ичак девори бўйлаб катта ҳажмли қайтмас ўзгаришлар юзага келган ва ўз навбатида, перфорация ва ичак гангреналари билан кечиши кузатилган. Бундай шароитда бирламчи анастомоз ҳосил қилиш амалиёти иложсиз бўлганилиги туфайли уни амалга ошириш эҳтимоли кам бўлади. Илестомия ёки унинг еюностомия билан комбинациялари ичак деворида бузилган қон айланишини қайтадан тиклаш имкониятини яратади. Тотал ичак агангиозида илеостомия

қўйиш амалиёти радикал оператив аралашувга тайёрлов босқичи сифатида амалга оширилди.

Тугма аноректал нуқсонларнинг аксарият ҳолларида алоҳида сигмостомия қўлланилади. Бу усул ташрихдан кейинги босқичларда ичакларнинг самарали декомпрессиясини таъминлайди ва ичакдан ўтаётган массаларни кейинги қисмларга ўтишининг олдини олади, ичакнинг катта ҳажмидаги функционал аҳамиятини сақлаб қолади ва шу билан бирга оралиқ соҳасидаги реконструктив операцияларда ҳимоя вазифасини ўтайди. Терминал сигмостома амалиёти аноректал нуқсонларнинг юқори шаклларида қўлланилади. Кўндаланг чамбар ичак атрезияларида Т-симон анастомоз қўйиш амалиёти кенг қўлланилган ва колосто-

ма чиқарилиши билан якунланган. Ушбу анастомозни қўйиш имконияти бўлмаган ҳолатларда ўткир ичак тутилишини олдини олиш мақсадида трансверзостомия амалга оширилган. Цекостомия ичакнинг кўп маротаба резекцияси ва анастомозлар қўйилишидан ҳосил бўлган қорин бўшлигидаги оғир фибриноз-йирингли чатишмали жараёнларда амалга оширилган ва бу амалиёт кўп ҳоллarda ошқозон-ичак трактида ўтказиладиган бошқа декомпрессив усуллар билан биргаликда амалга оширилади.

Ичак стомалари билан боғлиқ асоратлар ва қайта ўтказилган ташрихлар тўғрисида маълумот 3-расмда келтирилган.



3-расм. Ичак стомаларини шакллантириш билан боғлиқ асоратланиш кўрсаткичлари (%).

Ичак стомаларини шакллантириш билан боғлиқ асоратланиш кўрсаткичлари таҳдил қилинганда пеприколостомик инфекция - 15 (12,6%) та бемор болада аниқланди. 10 (8,2%) та ҳолатда стома ўрнатишидағи техник хатоликлар билан боғлиқ асоратлар, яъни стома эвагинацияси 2 (1,7%) та болада, параколостомик чурра 2 (1,7%) та болада, ретракция 2 (1,7%) та ва чиқарилган стома некрози 3 (2,5%) та, стома стенози 1 (0,8%) нафар болада учради. Жами 9 (7,6%) нафар bemорларда реэнтеростомия ва реколеноостомия амалга оширилган. Дастребки ташрих мобайнида ўрнатилган ичак чокларининг нотургунлиги сабабли 2 (1,7%) нафар bemорда ташрихдан кейинги даврнинг 4-6 суткаларида қайта ичак чоклари ўрнатилган. Биринчи ҳолатда кўндаланг чамбар ичак яширин перфорацияси сабабли анастомоз соҳаси резекция қилиниб, терминал сигмостома ўрнатилган бўлса иккинчи ҳолатда оч ичак атрезияси аниқланган чақалоқда меконийли илеус фонида анастомоз нотургунлиги аниқланганлиги сабабли алоҳида илеостома шакллантирилган. Жадаллашиб борувчи некротик энтероколит туфайли келиб чиқсан ичак перфорацияси 2 (1,7%) та ҳолатда учради ва ушбу bemорларда қайта жарроҳлик амалиёти талаб этилган. Биринчи bemорда терминал сигмостома, иккинчисида эса осилиб турувчи Т-симон илеостома шакллантирилган. 4 (3,4%) нафар bemорда олиб келувчи ичак сегментидаги не-

кротик ва ишемик ўзгаришлар ичак стомасини реконструкция қилишга кўрсатма бўлиб хизмат қилган. Бу bemорларнинг 3 (0,8%) тасида терминал илеостома ҳосил қилинди, 1 (0,8%) тасида параллел равишида ичакнинг субтотал резекцияси ўтказилди ва алоҳида илеостома ўрнатилди. 1 (0,8%) та bemорда олиб келувчи ичак қовузлогининг стенози туфайли стома реконструкцияси амалга оширилган.

Чақалоқлар орасидаги умумий ўлим кўрсаткичининг қарийиб 10% неонатал даврдаги тугма ёки ортирилган патологиялар хиссасига тўғри келади [8,13]. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг баҳолаш натижаларига кўра ҳар йили 303000 нафар 4 ҳафтагача бўлган болалар ривожланиш нуқсонлари туфайли вафот этадилар [3]. Чакалоқларда тугма ривожланиш нуқсонларини ўз вақтида ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишнинг долзарблиги ушбу нуқсонларнинг узоқ муддат ногиронликка олиб келиши, алоҳида оиласлар, соғлиқни сақлаш тизими ва жамиятга сезиларли тъясирни билан белгиланади. Ҳозирги даврга келиб замонавий диагностик усуллар ва даволаш турларининг кўплигига қарамасдан чақалоқларда некротик энтероколит оқибатида ўлим даражаси баланд, яъни 50% ни ташкил этди. Некротик энтероколит билан касалланган болаларнинг операциядан кейинги ўлим ҳолатлари 18 (15%) ташкил этди [6, 7, 14].

Хулоса

Үтказилган ретроспектив таҳлил натижалари шуни күрсатадыки, чақалоқларда ҳазм тракти түгма нүқсонларни бартараф қилишда мутахассислар томонидан рационал тактик ва техник ечимга асосланган ҳолатда индивидуал ёндошувни талаф қылади. Бунда ёндош касалликлар ва боланинг оғирлик даражасини ҳисобга олган ҳолатда түгма ичак нүқсонларини эрта ташхислаш, шунингдек дифференциал ёндошув муҳим аҳамият қасб этади. Некротик энтероколит туфайли ўлим оқибатларини камайтиришда унинг профилактикаси ва ўз вақтида аниқланиши муҳим аҳамиятта эга. Чақалоқлар ҳамда кўкрак ёшида бўлган болаларнинг ичак касалликлари ва ривожланиш нүқсонларини бартараф қилиш усуслари ва жарроҳлик тактикалари мазкур тоифадаги беморларнинг ижтимоий реабилитацийасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши зарур.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бисалиев Б.Н. Цап Н.А., Тусупкалиев А.Б. и др. Применение магнитно-компрессионного межкишечного анастомоза в лечении детей с энтеростомами //Новости хирургии.-2020.-Т.28.-№1.-Р.46-52
2. Бозоров Ш.Т., Туракулов З.Ш., Тошбоев Ш.О. Оценка эффективности одноэтапной коррекции свищевых форм аноректальных пороков развития у новорожденных //Новый день в медицине.-2019.-№4(28).-С.136-139
3. Всемирная организация здравоохранения. Врожденные аномалии. Информационный бюллетень №370. Октябрь 2012 г.
4. Иванов В.В., Аксельров М.А., Аксельров В.М. и др. Противоестественный задний проход на сигмовидной кишке как первый этап хирургической коррекции пороков развития аноректальной области у новорожденных //Детская хирургия.-2008.-№1.-С.14-16.
5. Попов Ф.Б. О технике энтеростомии у новорожденных // Детская хирургия.-2004.-№3.-С.46-47.
6. Battersby C., Longford N., Mandalia S. et al. Incidence and enteral feed antecedents of severe neonatal necrotising enterocolitis across neonatal networks in England, 2012-13: a whole-population surveillance study //Lancet gastroenterol Hepatol.-2016./doi: 10.1016/S2468-1253(16)30117-0.
7. Binder C., Longford N., Gale C. et al. Body Composition following Necrotising enterocolitis in Preterm Infants //Neonatology.-2018.-№113(3).-P.242-248.
8. Liechty S.T., Barnhart D.C., Huber J.T. et al. The morbidity of a divided stoma compared to a loop colostomy in patients with anorectal malformation //J. Pediatr. Surg.-2016.-№51.-P.107-110
9. Oda O., Davies D., Colapinto K. et al. Loop versus divided colostomy for the management of anorectal malformations // J.Pediatr. Surg.-2014.-№49.-P.87-90
10. Rokhsar S., Harrison E.A., Shaul D.B., Phillips J.D. Intestinal stoma complications in immunocompromised children //J. Pediatr. Surg.-2009.-№34(12).-P.1757-1761
11. Samiul H., Ashrarur R. M., Sabbir K. Comparison of T Tube Ileostomy and Bishop Koop Ileostomy for the management of Uncomplicated Meconium Ileus //Journal of Neonatal Surgery.-2017.-№6.-P.56-65
12. Singal A.K., Bhatnagar V. Colostomy prolapse and hernia following window colostomy in congenital pouch colon //Pediatr. Surg. Int.-2006.№22(5).-P.459-461
13. Stolwijk L.J., Keunen K., de Vries L.S. et al. Neonatal surgery for noncardiac congenital anomalies: neonates at risk of brain injury //J. Pediatr.-2017.-№182.-P.335-341.
14. Veenstra M., Danielson L., Brownie E. et al. Enteral nutrition and total parenteral nutrition components in the course of total parenteral nutrition-associated cholestasis in neonatal necrotizing enterocolitis //Surgery.-2014.-№156(3).-P.578-583.

Келиб тушган вақти 09.09.2020